

## МАКТАБДА ГЕРМАН ТИЛЛАРИ ГРАММАТИКАСИНИ ЎҚИТИШНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

Н. Имомова

Паркент тумани 49-мактаб ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада герман, бу ўринда инглиз тили мисолида сўз грамматик маъносининг шаклланиш имкониятлари когнитив таҳлилдан ўтказилади.

**Калит сўзлар:** грамматик, категорик, категориал маъно, когнитив, лисоний фаолият, маъно қирралари, от, семантико-стилистика, сифат, ўзак.

## К ОБЩЕТОРЕТИЧЕСКИМ ВОПРОСАМ ОБУЧЕНИЯ ГРАММАТИКЕ ГЕРМАНСКИХ ЯЗЫКОВ В ШКОЛЕ

### АННОТАЦИЯ

В статье проводится когнитивный анализ формирование грамматическая значение слово на примере английского языка.

**Ключевые слова:** грамматическое, категориальный, категориальное значение, когнитивная, лингвистическая деятельность, граны значений, имя существительное, семантико-стилистическая, имя прилагательное, корень.

## ON THE GENERAL THEORETICAL ISSUES OF TEACHING THE GRAMMAR OF GERMANIC LANGUAGES AT SCHOOL

### ABSTRACT

The article deals with the cognitive analysis of the possibilities of the formation of the grammatical meaning of the word in the example of German, English

**Keywords:** grammatical, categorical, categorical meaning, cognitive, linguistic activity, facets of meanings, noun, semantic-stylistic, adjective, root.

Тилнинг луғат қатлами муттасил ўзгаришларга учраб туради. Бундай ўзгаришлар унинг фонетик ва морфологик сатҳи билан чамбарчас боғлик. Ҳар бир тил луғавий қатламининг семантик – стилистик имкониятлари унда лексик-семантик бирликларнинг грамматик ва семантико-стилистика парадигмалари ҳамда бу парадигмаларнинг мазмун сатҳи когнитив тилшунослик ўрганиш объектларидан ҳисобланади.

Лисоний фаолият нафақат когнитив фаолият билан бевосита боғлиқ, балки унинг ажралмас қисми ҳамдир. Аммо когнитив тилшунослик, когнитология бошқа соҳалардан фарқли ҳолда, инсон томонидан тил тизимини ҳаракатга келтирувчи омилларни ўзлаштирилиши ва улардан фойдаланиш қоидаларини қай йўсинда тартибга солиш масалаласи билан ҳам шуғулланади. Когнитив тилшунос лисоний ҳодисаларнинг тафаккур фаолиятидаги ўрни, бажарадиган вазифалари билан қизиқади. Лекин бу қизиқиш оддий эмас. Когнитивист лисоний ва тафаккур фаолиятлари муносабатларини, уларни юзага келтирувчи сабабларини қидиради ва бу сабаблар оқибати бўлган муроқот матнлари - лисоний тузилмаларни таркибан ва мазмунан англашга, таҳлил қилишга ҳаракат қиласди. Демак, когнитив тилшунослик асосан инсон лисоний фаолиятини сабаб ва оқибат боғлиқлигига тадқиқ этувчи, “тушунтирувчи” фан соҳасидир.[9. 17-33] Бундай тадқиқ икки йўналишда бажарилади: а) нутқий фаолият ижроси ва унинг маҳсуларининг пайдо бўлиши; б) ушбу фаолият маҳсулотларининг идрок этилиши[14.91]. Тилнинг грамматик имкониятлари бекиёс экан, бу ҳол тил луғавий қатламишининг лексик-семантик тараққиётини таъминлайди. Кўп йиллар мобайнида грамматик сатҳда олимлар сўз туркумларини муттасил ўрганиб келаётган бўлсалар-да, ҳали бу соҳанинг ўзига яраша очилмаган қирралари пайдо бўлмоқда. Лексеманинг семантик сатҳи унинг барча грамматик имкониятлари билан мустаҳкам боғланган, сўзда грамматик маъно қирраларини ўрганиш лингвопоэтика, умуман тилшунослик тараққиётининг муҳим аспектларидан ҳисобланади.

Сўзнинг категориал маъноси ҳар доим ҳам унинг лексик маъноси билан боғланавермайди. Сўз грамматик қурилишнинг базаси; у тилнинг луғат қатламида ҳам, грамматик қурилишида ҳам энг зарур ва асосий бирлиkdir. Сўзлар якка ҳолда предмет, ҳодиса, белги кабиларни билдиради (улар ҳақидаги тушунчани ифодалайди), уларни атайди (бу тилнинг номинатив функцияси), лекин фикр баён қилишда у гап таркибида бўлади: сўз гап таркибида, нутқда тилнинг фикр баён қилиш воситалари тизимидағи ўз дискурсив вазифасини бажаради, шу билан бирга маъносининг янги қирралари ҳам шаклланади (яъни полисемантик сўзларнинг маъно парадигмалари дискурсив шароитда шаклланади)[18. 16]. Тил номинатив ва коммуникатив функциялардан ташқари экспрессив вазифани ҳам бажаради. Сўзнинг бундай вазифаси ҳам маълум қонуниятлар доирасида амалга ошади. Сўз маъносининг асоси онгдаги тушунчалар, воқеликдаги ҳодисалар. Сўз орқали борлиқнинг турли томонлари, кишилик жамиятининг, инсоннинг турмуш тажрибалари акс эттирилади. Сўз туркумлари ўзларининг

грамматик категориялари орқали характерланади. Отлар сон ва келишик категориясига эга, феъллар эса замон, нисбат, майл ва бошқа категориялари билан тусланади. Сифатлар эса, тақкослаш категориясига эгадир. Шу сабабли ҳам турли маълум сўз туркумларига тегишли бўлган лексемаларнинг нафақат лексик, балки грамматик категориал маъно парадигмалари ҳам турличадир. Масалан, феъл парадигмалари узуроқ: write,writes,wrote,shall write, will write, am writing, is writing, was writing, were writing ,have been writing ва х.к. От парадигмалари эса бироз қисқароқ: sister, sister's, sisters, sisters'. Сифатники эса ундан ҳам қисқа: cold, colder, coldest. Равишнинг парадигмаси эса янада қисқа: always.

Сўзнинг семантик таркиби шаклланишида маъно ва шаклнинг мутаносиблик парадигмалари бу ҳодиса тилнинг фонетик, лексик-семантик ва грамматик ҳодисалар билан мустаҳкам алоқадорлиги кўрсатади. Сўзнинг семантик структураси сўз ифодалайдиган маъноларнинг йигиндисидир. Сўзнинг фонетик структураси сўзнинг типик товуш таркибидан иборат. Сўзнинг товуш таркиби унинг грамматик табиатини ҳам ташкил қиласди. Айниқса, бу ҳол инглиз тили нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳим, чунки инглиз тилининг консерватив компонентлари қатор сўзларнинг товуш таркибини эски, архаик шаклда сақлашга эришган. Айнан шу ҳол сўзларнинг ёзилиши ва ўқилиши орасидаги фарқларни келтириб чиқарган.

Сўзнинг морфологик структурасининг ҳар бири маълум бир тилнинг ўз ичида ҳам фарқланади. Уларнинг бир тил доирасида, бир тилнинг ўз ичидағи фарқи, тил тараққиётининг турли даврларига қўра ҳам лексик-стилистик жиҳатдан фарқланишини ҳам таъминлаган. Сўз туркумларининг бирикиш имкониятлари ҳақида ran борганда авваламбор, лексик - грамматик маъно кўзда тутилиши керак. Шу йўналишда бирикиш, сўзлар лексик - грамматик гурухининг асоси бўлиб, маълум гуруҳдаги сўзларнинг лексик-грамматик парадигмаларини ташкил қиласди ҳамда дискурсив шароитда ўша сўзлар билан аниқ бир қисмлар (бирикмалар) ташкил қиласди. Инглиз тилидаги **To (from, at) school** бирикмаси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Юқорида қайд этилганидек, сўз туркумлари гапдаги вазифаларига қўра ҳам характерланади. От асосан, эга ёки тўлдирувчи вазифасида, феъл эса, кесим вазифасида, сифат эса, аниқловчи вазифасида қўлланади. Сўзнинг грамматик, лексик – семантик маънолари уларнинг гапдаги синтактик вазифаларини ҳам таъминлайди. Гапнинг эгаси фақат от билан эмас, балки олмош, сон, герундий, инфинитив ва бошқалар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бошқа томондан эса, от гапнинг ҳар

қандай қисмида бирор бир вазифасида гапни тўлдириб кела олади. Бироқ, предлоглар, боғловчилар, юкламалар одатда ҳар қандай гап қисмини тўлдириб боғлай олади.

Буларнинг ҳаммаси грамматиканинг икки асосий бирлиги бўлган сўз ва гапни алмаштириб юборишдан қочиш имконини беради. Шундай қилиб сўз туркумларининг қуидагича категориал хусусиятлари фарқланади:

- ўзининг лексик-грамматик маъносига кўра фарқланиши;
- ўзининг лексик-грамматик морфемаларига (ўзак ясовчи қўшимчалари) кўра фарқланиши;
- ўзининг грамматик категориялари ёки парадигмалари кўра фарқланиши;
- ўзининг бирикувига кўра фарқланиши;
- гапдаги вазифасига кўра фарқланиши билан характерланади.

Сўзлар ўзининг морфологик таснифига кўра грамматик маъносини шакллантирар экан, бу ҳол сўзнинг категориал туркуми семантик парадигмасини муттасил ўзгариб боришини таъминлайди. Сўзнинг лексик маъноси унинг мазмун плани асосида туради ва когнитив психология учун замин яратади.

Сўзнинг грамматик маъноси икки умумий ҳолатни назарда тутади: биринчидан сўзнинг предметлик, белги, миқдор, ҳаракат ва ҳолат, унинг белгиси нуқтаи назаридан категориал хусусиятлари, иккинчидан, нутқда уларни когнитив мазмун имкониятларини таъминлашга хизмат қиласидан ёрдамчи категориядир.

Биз сўз туркумларини мустақил ҳамда ёрдамчи (notional and functional or structural) қисмларга бўлиб ўрганамиз. Мустақил сўз туркумлари экстраграмматик феноменларни, яъни нарса, ҳаракат, сифат, хиссиётни; ёрдамчи сўз туркумлари сўзлар ва гаплар ўртасидаги алоқа ва боғлиқликларни ёки бошқа қўшимча ҳолатларни тўлдиришга хизмат қиласи, ёрдам қиласи. Мустақил сўз туркумлари гапда маълум вазифаларни бажаради.

Сўз юкламаларининг грамматик хусусиятлари кўп ҳолларда маънолари иккинчи даражали, қўшимча ҳисобланади. Бу борада биргина мисолга мурожаат қиласидан. Хусусан, Table ва after каби сўзларнинг табиати ўртасида ҳам маълум фарқ бор. Уларнинг биринчиси нарса-предметни номласа, иккинчиси алоқани кўрсатади. Бироқ иккаласи ҳам «номланаётган вазифани тўлдира олади». Relation, attitude каби отлар, belong, refer каби феъллар ҳам алоқани кўрсатади, бироқ улардаги бу алоқа фақатгина бир сўз туркуми ичидаги қолади. Предлоглар ва боғловчилар реал дунёдаги турли алоқаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Ю.Найда "boy, fish, run, walk, good, bad, against" ва сўзларни табиий ва маданий феномаларнинг турли обьекти, сифати, жараёни, ҳолати ва алоқаси" деб ёзганда отлар билан предлоглар ўртасида фарқ йўқлигини таъкидлаган эди. X.Суит эса, "тўлик" ва "бўш" сўзлари бирлигини таъкидлайди. The earth is round гапининг таҳлили жараёни ҳақида ёзиб, у "the" ва "is" каби сўзларни биз шаклий сўзлар деб атамиз, чунки улар шакл типидаги сўзлардир, деб таъкидлайди. Кўпгина муаллифлар сўзларнинг вазифаси ҳақида ўз асарларида ҳам гапириб ўтганлар.

Д.Браун, С.Браун ва Д.Бейлилар эса, ёрдамчи феъллар, предлоглар ва артиккларни ёрдамчи сўзлар (functional words) деб атайдилар. В.Жигадло, И.Иванова, Л.Иофик предлоглар, боғловчилар, юкламалар ва артиккларни мустақил сўз туркумларидан фарқли ўлароқ ёрдамчи сўз туркумлари деб атайдилар.[59. 75.] Ч.Фрейз эса, сўз туркумлари деб номланувчи 4 та сўзлар гурухини ва ёрдамчи сўз туркумлари деб аталувчи 15 та сўз гурухларини санаб ўтади.

Ёрдамчи сўзлар билан бошқа сўзлар ўртасидаги фарқ ноаниқ бўлиб қолганлигини юқоридагилардан билса бўлади. Баъзан фарқ сўз туркумлари ўртасида ҳам унчалик сезилмайди (хусусан, сифатлар феълга боғланганда равишга, равишилар эса, отга боғланганда сифатга ўтади). Баъзи ҳолларда бир сўз туркуми ичida ҳам сўзларнинг грамматик маъносини ажратиш қийин бўлиб қолган.

Предлоглардан ташқари ёрдамчи феъллар ҳам гапда қўшимча - кўмакчи вазифаларни бажаради. Ёрдамчи сўз туркумларидан ташқари грамматик олимлар мустақил сўзларни, масалан феъл каби маълум бир категориал сўз гурухини ҳам функционал ишлатиш мумкинлиги ҳақида сўз юритишади. Ю.А.Крутиков эса ёрдамчи сўзларни ярим мустақил (semi-notional) деб атайди. Унингча, предлоглар, боғловчилар, артикклар ва юкламалар ярим мустақил сўз туркумларидир. Улар semi notional parts of speech деб аталиб, мустақил сўз туркумларига қарама-қарши қўйилади. Уларни (яъни, semi notional parts of speech) нималарни бириктириши қўйидагича берилади; а) ўзларининг умумий ва қиёсий ҳамда лексик маъноларини; б) ўзлариниг инкорий ажратилганлигини изоляцияланганлигини; в) уларнинг мажбурий кўп томонлама (артикл, юклама) ёки икки томонлама (предлог, боғловчи) бирикмаларини, г) боғлаш вазифалари (боғловчилар, предлоглар) ёки маҳсус сўзлари (артикклар, юкламалар)ни бирлаштиради.

Табиийки, юқорида қайд этиб ўтилганидек, инглиз тили сўз туркумлари тизими унчалик аниқ англарли даражада

эмас. Агар сўз туркумларининг юқорида қайд этилган баъзи жиҳатларини ҳисобга олиб, баъзиларини ҳисобга олмасак, кўз ўнгимизда ўзига хос тасаввур пайдо бўлади. Шундай қилиб, сўз туркумларининг асосий хусусиятлари деб, уларнинг грамматик категорияларини олсак, лексик-грамматик маъносини, бирикувини ва синтактик вазифасини эътиборга олмасак, унда X. Свит ва О. Есперсонлар каби равишни, предлогни, боғловчини ундов сўзларни ва юкламани бир синфга ёки гурухга бирлаштиришга тўғри келади. X.Суит от, сифат, сон, феъл ва юкламаларни ўз даврида замонавий инглиз тили сўзларининг алоҳида гурухларига киритган. О.Есперсон эса субстанция, сифат, феъл, олмош ва юкламаларни ҳам шу гурухларга киритган.

Сўз туркумлари (notional words - мустақил сўзлар) ва юкламалар (semi-notional words) ўртасидаги фарқ бир неча йиллар мобайнида рус тилшунослари томонидан бирикувчи сўзлар (combinations of words) дан сўз бирикмалари (word-combinations)ни фарқлаш учун қўлланиб келинди. Сўз бирикмаси (word-combination) ибораси тор маъноли бўлиб, фақат камида иккита маъноли сўзларни ўз ичига олиши даркор. Шундай қилиб, **on the table** сўзлар бирикуви (combination of words) ҳисобланади, лекин сўз бирикмаси (word-combination) эмас, чунки бу ерда фақат битта мустақил лексик маъноли сўз - **table** бор .

Сўз туркумлари тизими тарихан ўзгарувчандир, тил ривожланган сари янги сўз туркуми шаклланиб, тилга кириб келаверган. Эски инглиз тилида ҳолат категорияси, артикллар, модал сўзлар йўқ бўлган, бироқ янги инглиз тилида булар ўз ўрнини топган. Бирор тилда қанча сўз туркумларини аниqlамайлик, барibir луғат таркиби муаммоси эса ундан кам эмас. Грамматикада лексемалар кичик қиёсий бир нечта лексик-грамматик гурухлари — сўз туркумларига ёки қисмларига бўлинади.

Бирор сўз туркуми одатда кичик лексик-грамматик гурухчаларга бўлиниши ҳам мумкин. Бу кичик бўлиниш сўз туркумларини ажратиб турешга хизмат қиласидиган ўша бир хил тамойилларга асосланиши мумкин.

Тасвирлаш йўли орқали бир томондан **boy**, **friend** ҳамда иккинчи томондан **boyhood**, **friendship** отларини таққослаш қуйидаги натижаларга олиб келади. Бусўзларташкилэтибурганбарчалексемаларинглиз от лексемалариҳусусиятларигаэга. Бироқ, буотларуюшиқбўлакларэмас. Улар лексик-грамматик маъногаэга бўлган «субстанция» остида бирлашган, **boy** ва **friend** «саналадиган субстанция», **boyhood** ва **friendship** «саналмайдиган субстанция»ни билдиради. **Boy** ва **friend** лексемалари тўрт аъзоли парадигмага эга, **boyhood** ва **friendship** эса, атиги биттагина парадигмага эга. Бу сўзларнинг бирикуви, гарчанд

сезиларли даражада бир хил бўлса-да, маълум бир фарққа эга эмас. **Boyhood** ва **friendship, boy** ва **friend**дан фарқли ўлароқ, сонлар билан бирикув шакллариға эга эмас. Бундай фарқлар динамикаси тил морфологик сатхининг тараққиётини, бинобарин лексик-семантик ва мазмун тараққиётининг энг асосий омилларидан бири саналади. Инглиз тилининг грамматик таҳлилиниң биз эътибор қаратган айрим масалалари инсон лисоний фаолиятини тараққиётини бир тил ёки кўп тил мисолида таҳлил қилиш бинобарида янги-такомиллашган хуносалар чиқаришимизга имкон беради.

## REFERENCES

1. Аксененко И. Предлоги английского языка - М., 1956, 210 с.
2. Аполова М.А. Specific English - М., Меж.отн., 1977, 190 с.
3. Абдуазизов А.А. О составных частях когнитивной лингвистики// Хорижий филология. – Самарқанд: СамГИИЯ, 2007. – №3(24). – С. 5-6.
4. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983. – 267 с.
5. Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретующего подхода // Вопросы языкоznания. 1994.
6. Нурманов А. Махмудов Н. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. - Т.: 1992.
7. Нурманов А. Тил ҳақида синтактик назариялар. –Т.: 1988.
8. Маслова В.А. Когнитивная лингвистика: Учеб. Пособие. – Мн.: Тетра Системс, 2004. – 293 с.
9. Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Ж.: «Сангзор нашриёти», 2006. – 9 б.
10. Стернин И.А., Попова З.Д. Когнитивная лингвистика. – М.: «Восток-запад», 2007. – 314 с.
11. Турниязов Н. Матн лингвистикаси. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2004. – 64 б.
12. Ўзбек тили грамматикаси. –Тошкент. Фан. 1975.
13. Ўзбек тили стилистикаси / А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, X. Рустамов. – Т.: «Ўқитувчи», 1983. – 246 б.
14. Galperin I.R. Stylistics - M., 1977.
15. Bloomfield L. An Introduction to the study of Language. N.Y. 1914 p Buranov J.B, Yusupov U.K, Mskulov M.T, SodikoV A.S. The grammatical structure of Engish, Uzbek and Russian. Tashkent, Ukituvchi PH, 1986.